

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЯНГИЙЎЛНИНГ ЯНГИ УЙЛАРИ

290 дан ортиқ оилага бахт улашади

Янгийўл шахрининг Анаркулов даҳасида "O'zshahar qurilish invest" инжиниринг компанияси буюртмаси асосида ҳар бири 7 қаватли, 42 хонадондан иборат 12 та уй қад кўтармоқда.

Бунёдкорлик

— Бинолар лойиҳаси малакали архитекторлар томонидан замонавий дизайн асосида яратилган, — дейди "O'zshahar qurilish invest" катта назоратчиси Абдуҳалим Турсунов. — Уйлар икки ва уч хонали бўлиб, доимий ишлаб турадиган лифтлар ҳамда болалар майдончаси барпо этиш мўлжалланган. Қурилиш жараёни доимий назорат қилиб борамиз. Усталарни ишга масъулият билан ёндоштишга ундамоқдамиз. Мақсад — бунёд этилаётган иморатлар узоқ йилларга ярасин. Зеро, хонадон эгалари бир умр миннатдор бўлсин.

Тураржойлар умумий 15 гектар майдонни эгаллаган. Иншоотларнинг қурилишида "Toshkent viloyati maxsus qurilish



montaj", "Amirmaks stroy invest" va "Qurilish media trans" масъулияти чекланган жамияти жамоалари ҳам алоҳида

фаоллик кўрсатишмоқда.

— Бизга биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи уйлари қуриш топширилган, — дейди

"Toshkent viloyati maxsus qurilish montaj" МЧЖ раҳбари Анавар Шаронов. — Юклатилган вазирами ўз вақтида ва сифатли бажа-



риш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Қурилиш материаллари пешмапеш етказилаётир. Ҳозир жамоамизда 150 нафар қурувчи меҳнат қилмоқда. Улар махсус иш кийимлари, ётоқхона ва кунига 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Иш жараёнида замонавий қурилиш техникаларидан фойдаланилмоқда.

Айни кунларда бинонинг пойдевор қисмида қурилиш ахуналиб, биринчи қаватга гишт қўйиш бошланди. Мутасаддиларнинг сўзларига кўра, ушбу объектлар Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Дарҳақиқат, бинолар битса, ҳудуд кўркамлашиб, 290 дан зиёд уйга муҳтож оилалар ўз тураржойига эга бўлади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгашнинг Раёсат аъзолари — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кенгашлари раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тизимда бозор механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ошириб бориш ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари, экспортбоз озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, 2017 йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Кенгашнинг келгусидаги фаолиятида соҳани янада ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, хусусан, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, соҳага илғор технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби долзарб вазифалар белгиланди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси Баҳодир Юсупов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги лавозимиде ишлаб келаётган Актам Хаитов кенгаш раиси вазифасини бажарувчи этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Арипов сўзга чиқди.

Б. АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

МАҚСАД — ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократик янгилаш, пировард натижада адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган кенг қамровли ишлар бажарилаётир.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Сўнгги йиллардаги ислохотлар, хусусан, қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритишлари мустахкам замин яратилди. Шунга мос равишда уларнинг давлат дастурла-

ри, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларидаги иштироки кучаймоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йил-

ларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишида ҳам бевосита халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланган.

Давоми 3-бетда ➡

КўНГЛИ ОБОД ЭЛНИНГ ҚИШЛОҚЛАРИ ҲАМ ОБОД БЎЛСИН



Давлатимиз раҳбарининг "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги Фармонида мамлакатимиз аҳолисининг қарийб тенг ярми яшайдиган қишлоқ жойларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланishiга қарамасдан, улар учун зарур шароитлар яратиб берилмагани, турмуш даражаси ва сифатини оширишга етарлича эътибор қаратилмагани, аҳолининг ҳаётий-маиший эҳтиёжлари тўлиқ таъминланмагани алоҳида тилга олинди. Бунинг оқибатида, айрим одамлар бундай ҳолатларга кўникиб, яхши яшаш учун интилиши анча сусайиб, боқимандалик кайфиятига тушиб қолган.

Аслида инсоф билан айтганда хонадонларимиздаги кут-барак, файзиёблик осмондан тушмайди. "Олма пиш, оғзимга туш" ибораси аслида боқибегам, боқиманда одамларни гафлат уйқусидан уйғотиш, қалб кўзини очиш учун киноя билан айтилган. Яна бир тоифа — тепса тебранмас, "бўлганим шу" қабилида яшашга кўникиб қолганларга нисбатан "Берсанг ейман, урсанг ўламан" деган тагдор гап ҳам бор.

Шу кунларда телеэкранлар обод, ибратли хонадон соҳиблари билан бир қаторда 15-20 сотих томор-

қасини баҳорнинг иккинчи ойи ўтиб бораётганига қарамай, ҳали шудгор ҳам қилмаган, уй-жойи, кўча деворлари (агар у бўлса) нураб ётган хонадон эгаларини ҳам кўрсатиб турибди. Афсуски, оила соҳибининг тўрт мучаси соғ. Яна кўлидан иш келадиган ўғил-қизлари ҳам бор. "Бизга бўлаверди" йўсинида иш тутатган бундай инсонлар вилоятимизда ҳам анчагина топилади.

Азизлар, ҳар ким бошига ёққан қорни ўзи курайдди. Биз кимнингдир дилини оғритиш, ички ишларига ноўрин аралашуш, ақл ўргатиш фикридан йироқмиз. Аммо, томошабин бўлиб ҳам туролмаймиз. "Бирники — мингга, мингники — туманга", деганларидек, Тошкент вилояти барчамизники. Унинг шаъни, истиқболи, ободлиги учун воҳанинг ҳар бир фуқароси масъул.

Юртбошимиз ҳар ишда, ҳар жабҳада бетимсол ташаббус кўрсатиб, бошқаларни ҳам фаол бўлишга чорлаб, ишни тўғри ташкил қилиш учун барча асосларни, яъни зарур фармон ва қарорларни чиқариб бераётган бўлса. Унинг ижросини таъминлашда биз сусткашликка йўл қўймас, бу адолатдан эмас. Қолаверса, Яратганга ҳам ҳуш келмайди. Тошкент вилояти — пойтахт вилоят. Лекин, водий вилоятлари билан таққосласак, обод қишлоқ, обод турмуш тарзи, томорқаларга эътибор нуктаи назаридан ўзимизга баҳо берсак, анча йил орқада эканлигимиз, бизларга уношқоқлик, шижоат, бирдамлик етишмаётганлиги аён бўлиб қолмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

Эҳтиром

Беназир ёзувчи Чингиз Айтматов вафот этганида, асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ўйрган олимларимиздан бири: "Бундай одам яна қачон дунёга келар экан-а", деб кўп афсусланди. Мен бу улуғ қалам соҳибининг: "Ҳар бир инсон ўзи ҳақидаги ҳақиқатни ўзи айтиши керак", деган буюк эътирофини эсладим.

«ҲАР БИР ИНСОН ЎЗИ ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТНИ ЎЗИ АЙТИШИ КЕРАК...»

Чингиз Айтматов ҳар бир миллий адабиёт олдида умуминсоний, умумбашарий вазифалар билан бирга, фақат шу адабиётга хос бўлган миллий вазифа ҳам турлини кўп бор таъкидлади. Аммо "миллий вазифа" тушунчасини тўғри англамоқ лозим, деб такрор-такрор уқитди. Чунки, бугун бу тушунча инсон ҳаётининг, бу ёруғ оламда тинч-тотув, эмин-эркин яшамоқликнинг жиддий муаммоларидан бири бўлиб турибди. Адибнинг фикрича, "миллий вазифа" замирига қандайдир "миллий алоҳидалик, маҳдудлик" тушунчасини сингдириш, бир миллатнинг иккинчи бир миллатга нисбатан гўёки улуглигини, маълум имтиёзларга эга эканлигини исботлашга уриниш каби ҳаракатларни мутлақо оқлаб бўлмайди. Бундай ҳаракатлар, охир-оқибат маънавий қашшоқликка олиб келади.

Тош емирилиши, гишт кўчиши, пойдевор нураши мумкин, аммо мукамал бадиий санъат асари асрлардан-асрларга ўтади, маъно-моҳиятини асло йўқотмайди. Аксинча, ҳар янги авлод ундан ўзи учун янги маъно, янги фикр топа олади. Улуғ Навоий бобомиз бош бўлиб қурдирган иморатлар, қаздирган ариқлар, бозорлар ўрнини бугун топиш, аниқлаш қийин, аммо у табиғат зот қаламига мансуб нодир асарлар бизга ҳамон маънавий ҳамроҳлик қилади.

Давоми 4-бетда ➡

ТОМОРҚА ТОМНИНГ ОРҚАСИ ЭМАС, у оиланинг юзи, маданияти, маънавияти кўзгуси ҳамдир

Томорқа ҳақида мақола тайёрламоқчи бўлиб, анчагина ўйлан-дик. Вазирлар Маҳкамасининг "Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, вилоятимиз ҳокимининг "Аҳоли томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари билан бирма-бир танишдик. Лекин...

Мамлакатимизда 124 минг 474 хонадон эгаси томорқасини ўз ҳолига ташлаб қўйганини билиб, "Бизга нима бўлапти ўзи?" деган саволга жавоб тополмай қолдик. Юқоридаги сингари қарорлар чикмас, бизга берилган улуг неъмат — ер ўзлаштирилмаган кўрик, тақир майдон бўлиб ётаверадими? Шу ерни парвариш қилсак, майли, даромад бўлмасин, бола-чақаларимиз етиштирилган мева-сабзавотларни маза қилиб ейди-ку! Ўғил-қизларимиз палаклар оралаб бодринг талашса, жажжи набрангиз, "Омма, омма!" деб сиз эккан мевага ишо-

— Ёшингиз бир жойга борибди, — дебди подшо, — бу кўчанингиз қачон катта бўлади-ю қачон мева беради? Унинг мевасини ейиш сизга насиб қилармиди? Бекорга уриниб нима қиласиз?

— Эй, подшохи олам, — отахон шошилмай жавоб қилибди. — Отабоболарим экиб кетган меваларни дуоларини қилиб мен едим, болачақаларим емоқда. Экиб қўйсам, боланимиз болалари, набираларим ер. Еганлар дуо қилишса, савоби менга тегади. Мевасини еганим шу бўлади.

Бу жавоб подшога кўп маъқул бўлибди. Отахонни бир халта олтин билан мукофотлабди.

— Кўрдингизми, шохим, — отахон кулим сираб халтага ишора қилибди. — Мени мевам ҳали гулламай туриб, ҳосил беришни бошлади!

Бундай ҳозиржавобликдан завқланган подшо иккинчи халтадаги олтинни узатибди.

Отахон давом этибди: — Дарахт экиннинг ҳосиятини қаранг: эккан ниҳолим кўкармай, гулламай, мева тугмай туриб, икки марта ҳосил берапти!

Вазир подшонинг кулоғига шивирлабди:

— Бу ердан тезроқ кетайлик, бир тийинсиз қоламиз!

Ҳа, эккан одам кам бўлмайди. Чино тумани, "Шалоло" маҳалласида яшовчи 72 ёшни қаршилаган Лариса Абдуллаеванинг гапларини эслаймиз:

— Ўйланг, битта кўчат эқдингиз: мевасини ейсиз — витаминга тўяси. Барги — мол-қўйларга озуқа. Қуриган шохлари — ўчоғингизга ўтин. Хатто, қули ҳам бўлади: томорқага соласиз, ўғит бўлади. Бунга бизга ер берапти! Экиб қўйдим, бўлди-да, деб юриш такасалтанларнинг иши. Аслида, деҳқончилик касб эмас, ҳунар бўлиши керак!

Помидор, қалампир, бодринг, сабзи, пиёз... экилган ҳар бир кўчат тирик жон эканлигини унутиб қўямиз. Кўчат ҳам нафас олиши, сув ичиши, озиқ ейиши керак. Ниҳолни яхши ният билан эқдикми, унинг "ҳаёти"га жавобгармиз! Экиб қўйганимиз билан ўз-ўзидан гуллаб, мева тугиб, пишавермайди. Унга меҳр беришимиз, фарзандимиздай тарбия қилишимиз керак. Ҳар кун ҳеч бўлмаганда бир бора хабар олмағимиз шарт: озиғи етарлими, суваб қолмаганими, эрқаланиб ортиқча шохлаб кетмадими, ҳаммасини ниҳол "айтади"!

Опамизнинг қизи Олтиариққа тушган. Тўйига бориб, уларнинг деҳқончилигини кўриб, оғзим очилиб қолди. Фарзандини қандай тарбияласа, узумини ҳам шундай тарбиялар экан. Узумларни шундай тараб қўйибди, кўриб ҳавасингиз келади. Битта ортиқча калтақ ели бўш қолган шапалоқдай жойни излаб тополмасиз.

Давоми 3-бетда ➡

Ўз мухбиримиз

Кучли фуқаролик жамияти сари

МАҚСАД – ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ



Ўзбекистон нодавлат но-тижорат ташкилотлари мил-лий ассоциациясининг Ну-рафшонда бўлиб ўтган худ-дий бўлиниш хисобот-сай-

лов конференциясида шулар ҳақида сўз борди. Тадбирда бўлиш томо-нидан 2011-2017 йилларда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

ЎзННТМнинг янги тахрир-даги низоми ва тузилмаси лойиҳаси муҳокама этилди. Шунингдек, "Йўл харитаси" (иш режаси) лойиҳасига так-лифлар ишлаб чиқилди.

Галдаги вазифалар белгилаб олинган мазкур тадбирда ташкилий ма-сала ҳам кўрилди.

ЎзННТМнинг республи-ка ҳисобот-салоҳи кон-ференциясида иштирок этиш учун 2 нафар делегат сайланди.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Тошкент давлат аграр университетида "Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш масалалари: муаммо ва ечим" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбати

Унда Фуқаролик жа-мияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўли-маси, Ўзбекистон ёш-лар иттифоқи вилоят кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳудудий, со-лиқ ва молия бош-қармалари, фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, ёш тадбир-корлар ҳамда нодав-лат нотижорат ташки-лотлар вакиллари иш-тирок этди.

Давра суҳбатиде мамлакатимизда ёш-ларни, хусусан, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари бити-рувчиларининг банд-лигини таъминлаш, улар ўртасида тадбир-корликни ривожланти-риш устувор вазифа-лардан бири этиб бел-гилангани таъкидла-ниб, бу борадаги чо-ра-тадбирлар ва амал-га оширилаётган иш-лар хусусида маълумот берилди. Ёшларнинг ишбилармонлик сало-ҳиятини аниқлаш ва тадбиркорлик фаоли-яга янада кенг жалб этиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар то-монидан олиб борила-ётган ишларни муво-фиқлаштириш зарур-лиги айтиб ўтилди. Тадбиркорлик фаоли-ятини бошлаган ёшлар дуч келаётган муаммо-ларнинг туб сабаб-ларини ўрганиш ва кам-чиликларни бартараф этиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Шунингдек, ёш тад-биркорларни қўллаб-қувватлашга қаратил-ган ишлар самарадор-лигини ошириш, хусу-сан, бизнес лойиҳа-ларни ишлаб чиқиш, кредитлар ажратиш ва солиқ имтиёзларини татбиқ этиш билан боғлиқ таклиф ва та-всиялар ишлаб чиқил-ди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Кечки пайт ҳаммаёқ тутаб кетди. Қарасам, жияним ҳам узумлар остига олов ёқаяпти. "Тинчликми?" десам, "Ҳаво-нинг авзойи бузилди. Қиров тушадиган. Тутун қировнинг йўлини тўсди, узумни совуқ уришидан сақлайди", дейди. Ишонасизми, бутун маҳалла туни билан ухласдан экинни шу тарика совуқдан асраб чиқ-ди. Мана бунга айтадилар дех-кончилик деб! "Дехкончиликни хунарга айланттирган олтиариқ-ликлар яшасин!" дедим. Ўрга-нишимиз керак.

Лариса опанинг дадил гапи-ришига, шаҳдам қадамлар билан юриш-туришига ҳаваси-миз келиб сўрадик:

— Опа, соғломсиз, тетиксиз, ёшингизни ўзингиз айтмасан-гиз, ҳеч қим сизни бундай улуг ўшда, деб ўйламайди? Бунинг сирини нимада?

— Мана шу томорқада, де-сам куласизлар! — опа хуш кайфият билан давом этди. — Тўғриси! Мана, келинимнинг иш тартибини айтиб берай. Кўёш чиқмасдан, тонг қорон-гусида уйғонади. Юз-қўлини ювиб, томорқа оралайди. Чо-пилмаган ерни қопади, ўтал-маган экинни ўтайди! Ишга ке-тадиган пайтгача дунёнинг иш-ини қилиб ташлайди. Дав-лат хизматидан беш-олтилар-да қайтса, яна томорқада-да! Мени юриш-туришим ҳам худ-ди келинимнинг иш режими-дай эди-да! Томорқада ишлаш менга бадантарбия вазифаси-ни ўтарди. Экан қўлатим гул-ласа қувончдан энтикардим. Ниҳолим мевага кирса ёшариб кетардим!

Одамларни қўл қулатганман! Кейинги йилларда жуда данга-са бўлиб кетганди. Мана, шу 10 сотихли иссиқхонамиздан ўтган йили 40 миллион сўм даромад қилдик. Бу йил 50 миллионни мўлжал қилиб турибмиз. Ода-мда ҳафсала бўлиши, меҳнатдан қочмаслиги керак. Баҳона эмас, имкон қилдириш лозим! Мана, қишлоқларимизни кўринг, ке-чаги қиёфасига бугунгиси тўғри келмайди. Қилса бўларкан-ку! Мени хурсанд қилгани, одамла-римизда яратишга, яшатишга иштиёқ, бир нарсаси қилсам, де-ган ният пайдо бўлди. Ободон-лаштириш ишлари бош-лангандан буён, иссиқхонамиз

Улар орасида одам савдоси инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг тақдири, келажагини оёқости қилиши билан нақадар жirkanч эканини таъкидлаш лозим. Бу иллатнинг қурбони, асосан, ёшлар, аёллар ва бо-лалар бўлмоқда.

Шаҳар ва туманларимизда дунё ҳамжамиятини ташвишлан-тираётган бундай жиноятларга қарши курашиш, олдини олиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий савдо-хонлигини ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Яқинда Бекобод шаҳри ва ту-манидаги Қосим ота Фармонов номида ҳамда "Ўзбекибод" ма-ҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ана шундай тадбирлар ўтқа-зилди. Уларда мазкур ҳудудлар-да содир этилаётган ҳуқуқбу-зарликлар атрофлича таҳлил

дан одам аримай қолди. "Ме-нам шунақа иссиқхона курсам!" деб беш-олтитаси иш ўрганган-ни келиб кетди. Юртни яшата-ман, деган одамнинг, аввало, кўнгли обод бўлади, ўзи яшнай-ди.

ТОМОРҚА ТОМНИНГ ОРҚАСИ ЭМАС,

у оиланинг юзи, маданияти, маънавияти
кўзгуси ҳамдир



Бўка туманидаги "Ибрат" маҳалласи аҳолисининг асо-сий қисми ишдан ташқари то-морқадан даромад қилади. — Йигирма йилдан бери 12 сотих томорқамда гулқарам ва қарам етиштирамиз. "Қўйлик", туман бозорларида сотамиз, — дейди хонадон бекаси Дилдо-ра Холбоева. — Турмуш ўрто-ғим ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Аммо, ишим бор деб томорқа-ни ташлаб қўймайди. Тонг қорон-гусида туриб, қўлга кет-монни олади. Чой маҳалигача томорқадан бери келмайди. Ишдан қайтиб ҳам, кечки пайт яна томорқа оралайди. Сугора-ди, бегона ўтдан тозалайди...

Февралнинг бошида плёнка остига қўчатлар ўтқазамиз. Апрель-май ойларида бирин-чи ҳосилни йиғиб оламиз. 15-20 миллион сўм атрофида да-ромад қиламиз. Шу даромад-нинг орқасидан икки қизимиз-нинг тўйларини ўтказдик. Шу йил (аниқроғи, кузги ҳосил да-ромадини олган), ўғлини уй-лаймиз. Бизни кўриб, икки ён қўшилларимиз ҳам ҳаракатга тушиб қолишган. Гулқарам, по-мидор, саримсоқ экиб, яшан-гина даромад қилишаяпти.

— Табиат уйғонди, лекин

айрим томорқа эгалари ҳали уйғонгани йўқ, — опа бизни ку-затар экан, катта йўлнинг ёқасида ташландиқ ҳолатда ётган томорқаларга ишора қилди. — Ерингн уволдан ҳам кўрқимайди.

— Ҳаракатда гап кўп, — дей-ди. "Даштбод" МФЙ, Минте-рак, кўчасида яшовчи Исқандар Омонов. — Саккиз йил аввал 50 тул лимоннинг "Маер" на-видан экиб, иссиқхона қурдим. Учинчи йилга бориб, сарфла-ган сармоям чиқди. Шундан буён фақат фойда кўраман. Йилга ҳар бир қўчатдан 120 килограммгача ҳосил оламан. Энди қанча фойда қўришимни ҳисоблаб олаверинг! 40 мил-лион! Камиди! Ўтган йили яна 30 тул лимон экиб, иссиқхона-ни кенгайтирдим. Лимонлар орасига август ойида сарим-соқ сукдим. Эрта баҳорда са-римсоқларни сотдим: оилам-га биринчи даромад кириб келди. Мана, хонадонимни кўриб турибсизлар, саранжом-саришта, бировдан кам жойим йўқ! Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар қиройлик", деб бежиз айтишмаган.

Ер инсонларга берилган тенгсиз неъмат. Неъматни оёқ-ости қилиш, ўз ҳолига ташлаб қўйиш гуноҳ! Ерни нондай азиз билмоғимиз керак.

Санд МУҚИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

Реклама ва эълонлар

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказилайдиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

"Uzbek Leasing International" АЖнинг 2018 йил 4 апрелдаги 0361/001-сонли буйруғи ва 2018 йил 6 апрелдаги 0376/001-сонли бюртномасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ни-ёзбоз ҚФЙ, Ойбек номидаги маҳалла, Муҳимий кўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони 0,0676 Га., қурилиш майдони 143,11 кв.метр, фойдали май-дон 127,53 кв.метр бўлган 7 хонадан иборат офис бино-иншоотлари савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 298 002 000 сўм. Аукцион савдоси 2018 йил 14 май кун и соат 11.00 да ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишнинг охириги му-дат 2018 йил 11 май соат 16.00 гача.

Юқоридеги қўчмас мулк савдоси 2018 йил 14 май кун бўлиб ўтмаса, такоррий аукцион савдо 2018 йил 30 май кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар қабул

Газета ва газетхон

Матбуот ва интернет нашрлари, ра-дио ва телевидение халқ ва давлат ўр-тасидаги ишончли кўприк вазифасини ўта-шини яхши биламиз. Улар одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида, мавжуд муаммоларга жа-моатчилик эътиборини тортади. Бугун юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари очик мулоқот майдони, эр-кин фикр минбарига айлангани кишини қувонтиради.

Шу ўринда таъкидлашни жоиз топдик,

Сизда шундай бўладими, бўлмайди билмайман. Аммо, мен нимадандир қувонсам, су-юнсам, яқинларимга айтгим, хурсандчилигимни баҳам кўргим келади. Аминманки, сўнгги пайтларда юртимизда рўй бераётган ўзгаришлардан биз каби юзлаб, минглаб, ке-рак бўлса, миллионлаб юрт-дошларимиз миннатдор. Қўнғилдагиларни айтиш учун сизларга хат ёзаялман.

Улғайиб, ёш ўтгани сари кўнғил нозиклашаркан, сал гапга хафа бўладиган, озги-на эътибордан бошинг ос-монга етадиган бўлиб қола-кансан. Шундай пайтда ку-нингга яраб, мушқулнинг осон қилганлар, қадригнга етиб, улуғлаганларни беихти-

"Тошкент ҳақиқати" тахририятига ҳам ўнлаб, юзлаб мактублар келади. Хатларни ҳар бирига алоҳида эътибор қаратила-ди, ўрганилади, тегишли тартибда мате-риаллар тайёрланади, жавоб ёзилади. Мактубларнинг аксарияти аҳолини қий-наётган турли муаммо ва камчиликлар ҳақида бўлса, салмоқли қисмини юрти-мизда олиб борилаётган одилонга сиё-сат, ўзгаришлардан мамнун одамларнинг дил сўзлари ташкил этади. Қуйида улар-нинг айримларини тақдим этамиз.

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

ёр дуо қилгинг келади.

Ишонсангиз, пенсиямизни уйга олиб келишганида, бир тўлқинландим. Қаричилиқда, баъзида тайёр пулни олиб келиш ҳам малол келади. Бунга кўя туринг, маҳалламиз-даги ўзгаришларни айтмай-сизми? Кўчалар ёруғ, равон. Муҳими, ичимлик суви, газ-дан муаммо йўқ. Электр ҳам узлуксиз ишляпти.

Оилавий поликлиникамиз ҳамширалари кунда бўлмаса ҳам кунора хабар олишади. Одамлар дардига шерик бўлиб, оғирини енгил қила-

ётган, мансабдорларга ҳам шундай яшашни ўргатаётган Юртбошимизга минг раҳ-мат. Уларнинг шарофатлари билан оёғи ердан узилган раҳбарлар ҳам халқ дардини тинглай бошлади, десам тўғри бўлади. Шукр, юрти-миз тинч, осмонимиз мусоф-фо, халқимиз турмуши фаро-вон.

Илоҳим юртимизга, тинч-лигимизга қўз тегмасин.

Шарофат ая ва Аминжон ота ҚОДИРОВлар оиласи
Зангиота тумани,
Назарбек ҚФЙ

«ГУЛ» ҚИШЛОҒИ ҚАЧОН ГУЛЛАЙДИ?

Ушбу мактубни қаерга ёзсам ижобий жавоб олар-канман, деб кўп ўйладим. Охири "Тошкент ҳақиқати"га ёзишга қарор қилдим.

Мен Қуйи Чирчиқ тумани, "Гул" қишлоғи, "Ужикент" массивида яшайман.

Биз яшаётган қишлоқ ви-лоятимизнинг чекка ҳудудла-ридан саналади. Бу ерда на автобус қатнови йўлга қўйил-ган, на бир айтулик бунёд-корлик бор. Мана, 20-30 йил-дирки, қишлоғимизда бирор катта ўзгаришлар йўқ ҳисоби.

Тошкентдан 70-75 кило-метр узоқликда истикомат қиламиз. Қишлоғимизда ав-тобус масаласи жуда қийнай-ди. Тўғри, таксилар кўп, аммо бу аҳолига унча тўғри кел-

майди. Сабаби — нархи қим-мат.

Масалан, "Гул — Чиноз" таксилари нархи 3, "Гул — Дўстобод" бўйлаб 2,5 минг сўм. Оралиқ масофа 12-15 километр атрофида. "Чиноз — Тошкент", "Дўстобод — Тошкент" йўналишлари авто-буси 2 минг сўмдан. Оралиқ масофаси 50-60 километр.

Қишлоғимизда 10 мингга яқин аҳоли истикомат қила-ди. Агар шаҳар-туманлар, қишлоқлар орасида автобус-лар, маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилса, одам-ларнинг узоғи-яқин, оғири-енгил бўларди. Илгари қиш-логимизни туманлар билан боғлаб турувчи автобуслар қатнар эди.

Қишлоғимиздаги "Якка-тут", "Қамалган" қўрғонлари-ни айтмасам ҳам бўлади, са-баби, у ерларга бориш учун йўллар умуман яхши эмас...

Шу "Яккатут", "Қамалган" қишлоқларига асфальт эмас, тош тўкиб берсалар ҳам рози эдик.

Хурматли тахририят! Хо-зир юртимизда, вилоятимиз-да бўлаётган бунёдкорлик ишларини газетангиздан ўқиб, жуда-жуда қувонамиз, завқланамиз. Бу янгиланиш-лар шабдадаси қишлоғимиз бўйлаб ҳам эсишдан жуда-жуда умидвормиз.

Хурмат ила АБДУСАТОВлар оиласи
Қуйи Чирчиқ тумани

ТАХРИРИЯТДАН: Газетамизга келган ушбу шикоят хатини эълон қилишдан мақсад туман ҳокимлиги, тегишли идоралар ва мутасаддилар келтирилган муаммони ўрганиб чиқиб, имкон қадар тезроқ бартараф этадилар, деган умиддамиз. Биз, албатта, мавзуга қайтамыз.

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Хиёбонларда фарзандларини етаклаб юрган бахтиёр оилаларни кўриб, кўзингиз қувонади. Меҳрибон ота-онала-рини қўлларидан тутган бир-биридан ширин ўғил-қизлар-нинг юзларидаги қувонч, беғуборлик киши дилида ажиб ҳислар уйғотаяди.

Жажи юракларда ҳаётга муҳаббат, қўзларида келажа-ка ишонч умидлари порлаб, катталар кўмағида бўй чўза-ётган бу навиҳоллар эртан-ги кунимиз эгаларидир.

Президентимизнинг "Аҳо-лининг репродуктив савомат-лигини мустаҳкамлаш, соғ-лом бола туғилиши, жисмо-лий ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бо-расидаги ишларни янада ку-

чайтириш ва самарадорли-гини ошириш чора-тадбир-лари Дастури тўғрисида"ги Қарори асосида ФХДЭ ор-гани, тиббиёт муассасаси, хо-тин-қизлар қўмитаси, диний идоралар, ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи органлар ҳамкорли-гида аҳолининг репродуктив савоматлигини мустаҳкам-лаш, тиббий маданиятини ошириш ва соғлом оилани шакллантиришга алоҳида

эътибор қаратилмоқда.

Бўлимимиз томонидан ташкил этилаётган тадбир-ларда ёшлар ўртасида соғ-лом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мустаҳкам ва аҳил оила қуришнинг аҳамияти, унинг муқаддаслиги, она ва бола саломатлигини муҳофа-залаш, соғлом авлодни дунё-га келтириш ва уларни ҳар томонлама баркамол инсон-лар этиб тарбиялаш масала-лари хусусида сўз юритил-моқда.

Гулноз РАҲАБОВА,
Бўстонлиқ тумани ФХДЭ
бўлими мудираси

ЧЕТДА ТУРИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Халқаро терроризм, наркомания ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятлар инсон ҳаётига хавф солмоқда. Худуд ва чегара билмайдиган бу жиноятларнинг ҳар бири давлатлар ривожига ҳамда жамият тараққиётига жиддий хавф туғдиради.

Агар огоҳ сен...

Улар орасида одам савдоси инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг тақдири, келажагини оёқости қилиши билан нақадар жirkanч эканини таъкидлаш лозим. Бу иллатнинг қурбони, асосан, ёшлар, аёллар ва бо-лалар бўлмоқда.

Шаҳар ва туманларимизда дунё ҳамжамиятини ташвишлан-тираётган бундай жиноятларга қарши курашиш, олдини олиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий савдо-хонлигини ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Яқинда Бекобод шаҳри ва ту-манидаги Қосим ота Фармонов номида ҳамда "Ўзбекибод" ма-ҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ана шундай тадбирлар ўтқа-зилди. Уларда мазкур ҳудудлар-да содир этилаётган ҳуқуқбу-зарликлар атрофлича таҳлил

қилинди. Жиноятларнинг айнан қайси тоифалари ортиб бора-ётгани ва уларни қамайтириш бўйича кўрилаётган масалалар-га алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, маҳалла фуқаро-лар йиғини раислари ва фаол-лари билан биргаликда ҳуқуқбу-зарликлар профилактикаси ҳам-да жиноятчиликка қарши кура-шиш самарадорлигини ошириш бўйича фикр алмашаяпти.

Жиноятчиликка қарши кура-шиш нафақат ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи идораларнинг, балки мамлакатимизда яшаётган, юрти, халқи, оиласи ва яқинла-рининг ҳаёти ҳамда келажагига бефарқ бўлмаган барча фуқаро-ларнинг олдида турган масъу-лиятли вазифадир.

Қ. АТАХАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
вилоят судининг
бош мутахассиси

Чоршанба 11 апрель	Пайшанба 12 апрель	Жума 13 апрель	Шанба 14 апрель	Якшанба 15 апрель	Душанба 16 апрель	Сешанба 17 апрель
+ 18° + 7°	+ 23° + 9°	+ 24° + 15°	+ 24° + 15°	+ 17° + 9°	+ 15° + 7°	+ 16° + 9°

Адибнинг "Кассандра тамғаси" асарида тамга мажозий маънода келтирилган бўлса-да, бугунги ачиқ бир ҳақиқатга жуда яқин туради. Инсон ўзининг номунусиб хатти-ҳаракатлари – ёвузлиги, зўравонлиги, босқинчилиги билан ўз моҳиятидан чекинмоқда, фақат ўзини ўйлаб, ўзгаларнинг манфаатини унутмоқда, ўз хоҳиш-иродасини бошқаларга тикиштириш режаларини тузмоқда. Ер, сув, ҳаво каби моддий неъматлар биргина ўзига эмас, бу ёруғ оламга ўзидан кейин келади, шу заминда кун кечирадиган юзлаб, минглаб авлодларга ҳам тегишли, уларнинг ҳам ризқ-насибаси эканлигини унутиб қўймоқда. Ногоҳоний ўпирилишлар, ер силкинишлари, офатлар, қондош-жондош қавмлар бир-бирини қатлиом қилаётгани, уйига ўт қўяётгани,

бола отага, ота фарзандига қурол ўқталаётгани оғоҳлик белгиларидир. Бу ишораларга эътибор бермаган инсон ўз қиёмат кунини ўзи белгилаб қўймоқда.

Шулар ҳақида ўйлаганимда адибнинг "Сомон йўли" қиссаси ёдимга тушади. Уруш боис фарзандларидан, жону жаҳонидан жудо бўлган Тўлғаной она Ер билан ҳасратлашади, ота-боблардан қолган муқаддас тулрокқа дардини айтади. Одамзот бир-бирини қатлиом қилмай, бир-бирининг болаларини ўл-

дирмай, бир-бирига зиён етказмай, оға-ини бўлиб, тинч-тотув яшаса бўлмай-дими, деб ёзғиради. "Қўйин савол бердинг-ку, Тўлғаной, – дейди она Ер. – Мен билганимдан бери, одам одам бўлиб яратилганидан бери урушгани урушган. Баян урушда мутлақо қирлиб, ном-нишонсиз кетган

тўққунча ақлни ишлатинглар, деб айтаман. Ҳозир ҳам айтадиган гапим шу: "Эй, одамлар, дунёнинг тўрт бурчагидея яшаган одамлар, сизга нима керак – Ерми? Мана мен – Ерман, мен барча одам бола-сига етаман, менга тала-шишларингнинг кераги йўқ, менга иноқлик керак! Меҳнат керак! Шудгорга битта дон ташласаларинг, юз дон қилиб бераман,

тугамайман, мен ҳасис эмасман, мен конман, ҳам-маларингга баравар етаман..."

Она Ер тимсолида адиб кўксидан қайнаб-отилиб чиққан бу сўзлар унинг бизларга қолдирган васияти эмасми?!

Чингиз Айтматов Ўзбекистон ҳақида, халқимизнинг юксак ақл-заковати, тарихи, буюк аждодлардан қолган бой маънавий-

ижодкорни биз ҳам ҳамиша ардоқлаймиз. Президентимизнинг жорий йил 3 апрель кунини эълон қилинган "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори бунинг ёрқин исботидир.

Аминманки, бундан кейин ҳам Ўзбекистонда Чингиз Айтматовнинг асарла-

«ҲАР БИР ИНСОН ЎЗИ ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТНИ ЎЗИ АЙТИШИ КЕРАК...»



Бошланиш 1-бетда

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

КИЧИК МАЙДОНДАГИ КАТТА ГАЛАБАЛАР

Футзал бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионатида вилотимиз шарафини ҳимоя қилаётган ОТМК ва "Металлург" жамоалари иккинчи турда ҳам ўз галабалари билан муҳлисларни ҳушнуд этди.



7:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Бекободнинг "Металлург" жамоаси пойтахтда "Бунёдкор"га қарши иккинчи учрашув ўтказиб, юз фоизлик натижага эришди. Ҳужумкор ўйин кўрсатган Аъзам Саидхонидов, Иштиёр Ропиев ва Шерзод Мустафоев рақиб дарвозасига иккитадан тўп киритди, умумий галабага катта ҳисса қўшди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони – олимпиада чарм тўп усталари наватдаги учрашувни чемпионлик учун курашдаги асосий рақобатчилардан бири – Наманганнинг "Навбахор" жамоасига қарши ўтказди. Учрашувда Даврон Абдурахмонов, Акбар Усмонов, Фарҳод Абдумавлонов, Машраб Одилов рақиб дарвозасини ишғол қилиб, жамоамизнинг

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЮҚОРИ ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАМОҚДА

Шу йилнинг 20-30 апрель кунлари мамлакатимизда оғир атлетика бўйича ўтказиладиган Осиё чемпионати қитъамиз атлетлари учун Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида бўладиган ўсмилар ўртасидаги III ёзги Олимпия ўйинларига саралаш вазифасини ўтайди.



Осиё чемпионатида қитъамизнинг 30 та давлатидан уч юз нафардан зиёд истеъдодли полвонлар голиблик учун куч сынашади. Ўсмилар, ёшлар ва қизлар

ўртасида бўладиган мусобақада вилотимиз спортчилари ҳам совринли ўринлар ва олимпиада йўлланмаси учун курашади.

Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари Осиё чемпионатида Мирҳосил Мирзабобоев, Муҳаммадали Қахрамонов, Рустам Юнусов, Акбар Жўраев каби истеъдодли полвонларни жалб этган.

ЭНГ ЗЎРИ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ

Волейбол бўйича Ўзбекистон XXVI миллий чемпионатининг учинчи тур беллашувларидан сўнг Олимпиада ОТМК жамоаси иккинчи поғонада бормоқда.



3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. ОТМК вакиллари фақатгина бир учрашувда мусобақа пешқадами – "Ориент" жамоасига 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

Ҳозирча ОТМК учинчи турдан сўнг 25 очко билан "Ориент" жамоасини таъбиқ қилишда давом этмоқда.

Зоҳир ТОШХЎҲАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

ОДАМЛАР ТИББИЙ ХИЗМАТДАН РОЗИ БЎЛСИН

Вилотимиз маъмурий маркази бўлмиш Нурафшон шаҳри кун сайин чирой очмоқда. Айни кунда бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари жадаллашаётир. Жумладан, аҳоли учун кўп қаватли уй-жойлар қурилиши изчил давом этмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етган бино ва иншоотлар бирин-кетин фойдаланишга топшириллаётир.

Саломатлик

Кунни кеча шаҳарда кўп тармоқли марказий поликлиника, юкумли ва ички касалликлар шифохоналари ишга туширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўз олган вилот ҳокими ўринбосари Б. Ахмедов, Нурафшон шаҳри ҳокими У. Раҳимов ва бошқалар юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилотимизда ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

– Ушбу шифо масканларининг янги биноларида фаолиятини давом эттирадиган ходимларимиз Нурафшон шаҳри ва Ўрта Чирчиқ

тумани аҳоли-сига хизмат кўрсатади, – дейди вилот

соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Тўракул Арзиқулов. – Муассасаларда келиб-кетувчилар учун кенг имконият ва қулай шарт-

шароит яратилган. Аслида асо-сий мақсадимиз ҳам одамларни, беморларни ҳар жиҳатдан, хусу-сан, тиббий хизматдан рози бўли-шини таъминлашга эри-шиш.

"Тарамуш" масъулияти чекланган жамияти қурувчи-лари бунёд этган мазкур шифо масканлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томони-дан замонавий тиббий жи-хоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.

Ўз мухбиримиз Равшан МИРЗАКУЛОВ олган суратлар



шароит яратилган. Аслида асо-сий мақсадимиз ҳам одамларни, беморларни ҳар жиҳатдан, хусу-сан, тиббий хизматдан рози бўли-шини таъминлашга эри-шиш.

"Тарамуш" масъулияти чекланган жамияти қурувчи-лари бунёд этган мазкур шифо масканлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томони-дан замонавий тиббий жи-хоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.

Ўз мухбиримиз Равшан МИРЗАКУЛОВ олган суратлар

ҲАЁТНИ ЎРГАТУВЧИ МУРАББИЙ

"Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идроқнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир."

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу фикрлари неча асрлар ўтса ҳамки, ўзининг маъно-мазмунини, таъсир кучини йўқотмаган. Дарҳақиқат, китоб инсоният яралибдики, жамики бунёдкорликларнинг асосини ташкил қилади. У энг яқин дўст, сирдош, беиннат маслаҳатдош, ҳаётни ўргатувчи мураббий, илму маърифатнинг асосидир.

Тадбир



Президентимизнинг китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилишга доир фармойишлари асосида Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилот бўлимининг барча туман ва шаҳар бўлинмалари томонидан китоб мутолааси, китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб этиш бўйича тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Янгийўл технология ва сервис касб-хунар коллежи ҳамда Янгийўл тумани электр таъминоти бўлимида ўтказилган шундай тадбирларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари, "Еш

тарғиботчилар" жамияти аъзолари, маънавиятчилар, электр таъминоти бўлими ходимлари иштирок этди. Баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган тадбирда ёш тарғиботчилар иштирокчиларни кўплаб адиблар, шунингдек, чет эл адабиёти намояндаларининг нодир асарлари мазмуни, моҳияти билан ақиндан таништирилди. Тайёрланган тақдимотлар китобни тушуниш, қизиқиш кучи тушуниш учун яхши самара бериши шубҳасиз.

Худди шу мазмундаги учрашувлар вилотимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ирода МУҲАММАДАЗИЗОВА, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилот бўлими етакчи мутахассиси



Яшаш учун энг арзон жой

Британиянинг The Economist Intelligence Unit наشري сайёрамиздаги энг арзон шаҳарлар рейтингини тузди. Унга кўра, Дамашқ арзон шаҳарлар ичида етакчилик қилмоқда.

Маълумотларга кўра, рей-

тингда жами 133 та шаҳар номи бор. Дамашқдан ташқари энг арзон шаҳарлар бешталиғига Каракас (Вене-суэла), Олмаота (Козогистон), Лагос (Нигерия) ва Бангалор (Хиндистон) каби-лар киритилган.

Рейтингда Сингапур энг қиммат шаҳар сифатида эътироф этилган. Кейин-ги ўринларни Париж (Франция), Цюрих (Швейцария), Хонгконг (Хитой) ва Осло (Норвегия) эгал-лаган.

Ирмахон бувининг шижоати

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда Ирма буви ишларини кўп кузатаёмиш. Асли Италия-нинг Виченца шаҳридан бўлган бу ажойиб кампир 93 ёшда бўлишига қарамай, куч-қувватга тўла.

Кекса аёл ўзининг хайр-саховатли ишлари билан яхшиликнинг эрта-кечи йўқлигини кўпчиликлка ис-ботлаб берди, дейиш мум-кин. Ирманинг невараси Элиза Facebook'даги саҳи-фасида буви узоқ саёхат-га отлангани ҳақида ёзади.

Бирок, унинг мақсади дам олиш эмас: Кениядаги бо-лалар уйи, боғча ва шифо-хоналарга бориш истаги Ирмада бир неча йил ав-вал пайдо бўлганди. Мана, ниҳоят, унинг орзуси амал-га ошди. Ирма хоним у ер-даги болаларга қўлидан

келганча ёрдам бермоқда. У Малинда шаҳридаги мак-табда инглиз тили ва ма-тематика фанидан сабоқ берапти. Аёл болалар би-лан чиройли нарсалар ясаш учун игналар, турфа-ранг ипплар, қайчилар ва елимлар олиб келган. Ирма дастлаб Африкада бир неча ҳафтага қолиши режалаштирган эди, бироқ энди у бир умрга шу ерда қолиши мумкин.

Саратонни енгиш усули топилди

Ошқозонности беи сара-тонни ўлимига олиб келувчи энг зарарли шакллардан бири ҳисобланади. Тахми-нан 67 кишидан биттасида мазкур касаллик қайд эти-лади. Одатий даволаш усуллари самарасиз бўлиб, турли препаратларнинг биргаликда қўлланилиши кучли токсик таъсир кўрса-тади.

Ўтказилган тажрибалар

АҚШнинг Бингемтон университети олимлари кимёвий терапия ва радиотерапия самарасиз бўлиб қолганда, давомий қизитиш ва совутиш ошқозонности беизадаги саратон ҳужайраларини йўқотишга ёрдам беришини аниқлади.

натижасида маълум бўли-шча, ҳароратнинг 48-50 даражага кўтарилиши ва кейин 25 даража совуққа ту-шиши билан ўтказилган икки марталик жараёндан сўнг саратон ҳужайралари-нинг бутунлай ўлгани куза-

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилоти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Файрат

ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
14 674 нусхада чоп этилди

Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Телефонлар:

Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусахҳиш Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ